Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги



# Наманган Давлат университети

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги



# Наманган Давлат университети

Namangan
davlat
Universitetining
ilmiy kutubxonasi

"Наманган" нашриёти

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Республиканинг янги олий ўқув юртларини ташкил қилиш тўғрисида

*Олий таълим тизимини янада takomillashtirish,* 

*юқори малакали мутахассислар ва илмий кадрлар тайёрлашни яхшилаш, шунингдек, республиканинг барча минтақаларини улар билан яна ҳам тўлиқроқ ва бир текисда таъминлаш мақсадида:*

*1992 йил 15 мартидан қуйидаги янги олий ўқув юртлари очилсин:*

*Наманган вилоятида*

*Ниёзий номли Наманган Давлат педагогика институти негизида Наманган Давлат Дорилфунуни, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Наманган бўлимининг негизида Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти — И.А. Каримов

Тошкент шаҳри.
1992 йил, 28 февраль

НГ 136-317,8-308-950 / 137-01-(11)-00 2000й.

© "Наманган" нашриёти

Наманган Давлат университети 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 356-сонли қарорига асосан Наманган Давлат педагогика институти негизида ташкил этилган. Наманган Давлат педагогика институти 1942 йили Андижон ўқитувчилар институтининг шаҳобча тармоғи сифатида ташкил топган ва 1944 йили мустақил ўқув юртига айлантирилган. Дастлаб 3 та факультет: ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти ҳамда физика-математика факультетлари очилиб, унга 72 талаба қабул қилинган эди.



1992 йили олий ўқув юртининг 50 йиллик юбилейи тантанали нишонланди. Ўтган йиллар мобайнида олий ўқув юртида 20 мингдан зиёд юқори малакали мутахассислар тайёрланди. Ҳозирги кунда университет вилоят халқ таълими ва халқ хўжалиги тизимининг турли соҳалари учун 20 дан зиёд ихтисос бўйича кадрлар тайёрламоқда

Бугунги кунда университетда 3 мингдан ортиқ талаба, шу жумладан 2500 га яқини кундузги бўлимда



таҳсил олмоқда. Университетда 30 та кафедра мавжуд бўлиб, унда 312 нафар илмий педагогик ходимлар фаолият кўрсатади. Улардан 16 нафари фан доктори, 130 нафари - фан номзодлари, 17 нафар ўқитувчи - профессор,109 ўқитувчи - доцент унвонига эга.

Университетда 1993 йили аспирантура очилган. Ҳозирги кунда 12 та ихтисослик бўйича 48 нафар аспирант таҳсил олмоқда. Шунингдек, 8 киши мақсадли докторантурада, 17 киши Республикамизнинг етакчи олий ўқув юртларида ва Ўзбекистон ФА институтларида мақсадли аспирантурада таълим олишмоқда.

Иқтидорли талабалар ва аспирантларни Республика "Умид" жамғармаси ва Президент Давлат стипендияси танловларига, Республика олимпиадаларига мақсадли тайёрлаш йўлга қўйилган. Ҳозирги кунга қадар 20 дан зиёд иқтидорли талабалар Навоий, Улуғбек номидаги Давлат стипендиясига сазавор бўлишди. Кимё факультети аспиранти Нодира

Абдуллажонова 2000 йил Президент Давлат стипендияси совриндори бўлди. Ҳар йили 7 та талаба университет томонидан таъсис этилган атама стипендияларни олиб ўқимоқда. Иқтидорли талабалар, аспирантлар ва ёш олимларни "Умид" ва "Устоз" жамғармалари орқали ривожланган мамлакатлар университитетларига ўқишга юбориш учун шароитлар яратилган. Шу боис 1996 йилдан буён 31 нафар талаба хорижий мамлакатларнинг университетларида бўлиб қайтди. Шу йиллар мобайнида университитет профессор-ўқитувчиларидан 21 нафари хорижий университетларда малака ошириб қайтди. Республика "Устоз" жамғармасининг кўрик-танловида университитет профессор-ўқитувчиларидан 12 нафари АҚШ ва Германия университетларида малака ошириш ва стажировкадан ўтиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Университет кутубхонаси 500 минг нусхадан





ортиқ китоб жамғармасига эга. Кутубхонада маънавият зали, ноёб китоблар бўлими, талабалар ўқув зали, профессор-ўқитувчилар ва аспирантлар ўқув зали, манбаашунослик кабинети, НамДУга ҳадя этилган китоблар (ўн минг нусха) зали ташкил этилган.

Университет маънавият ва маърифат соҳасида вилоятнинг таянч масканидир. Вилоят маънавият маркази "Камолот", "Мерос" илмий-маърифий ва маданий маркази каби жамғарма ва уюшмалар билан ҳамкорликда Республика ижтимоий ҳаётининг долзарб мавзуларида илмий-оммавий анжуманлар мунтазам ўтказилади.

Тарих факультети талабалари Ахсикент, Мунчоқтепа каби тарихий ёдгорлик мажмуаларини амалиётда чуқур ўрганмоқдалар ва шу соҳада илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Ёзги таътил учун Янгиқўрғон туманининг Мамай қишлоғида - тоғ ён

бағрида 150 ўринли соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.

Бобур шоҳ кўчасидаги 1963 йилда қурилган 250 ва 441 ўринли икки ётоқхонада 550 дан ортиқ 1978 йилда қуриб ишга туширилган 400 ўринли икки бинода 770 талаба истиқомат қиладилар. Бундан ташқари, талабалар шаҳарчасида 100 ўринли профилактория ишлаб турибди. 340 ўринли ошхона талабаларга мунтазам хизмат қилмоқда.

Университет негизида ўтказилган "Универсиада-2000" тадбирлари ўқув юрти талабалари,профессор-ўқитувчилари учун юксак масъулият, ишонч, ифтихор ва шон-шараф ишига айланди. Университет спортчи-талабалари "Универсиада-2000" мусобақаларида 22 та олтин, 15 та кумуш, 30 та бронза медалларини қўлга киритдилар. "Универсиада-2000" чемпионлари Е. Кремлёва, А. Камолов, Ш. Бозоров, Р. Қурбонбоевлар мамлакат Президенти совғаси - "ТИКО" автомобиллари билан тақдирландилар.





## ФАКУЛЬТЕТЛАР

- Математика
- Физика-техника
- Кимё-биология
- Санъатшунослик
- Жаҳон тиллари
- Педагогика
- Жисмоний маданият
- Иқтисод-география
- Ўзбек филологияси
- Тарих
- Фалсафа ва ҳуқуқшунослик

## Бакалавриатура йўналишлари:

B140600 Чизмачилик тасвирий ва амалий санъат
B220400 Славян филологияси
B141700 Касбий таълим соҳалари

| | |
|---|---|
| | бўйича |
| B141900 | Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият |
| B142000 | Бошланғич таълим ва тарбиявий иш |
| B142200 | Мусиқий таълим ва эстетика |
| B142400 | Педагогика ва психология |
| B211100 | Тасвирий санъат |
| B220100 | Ўзбек филологияси |
| B220300 | Роман-герман филологияси |
| B221000 | Тарих |
| B340200 | Иқтисодиёт (соҳалари бўйича) |
| B380100 | Ҳуқуқ (ҳуқуқшунос-педагог) |
| B420100 | Биология |
| B440100 | Физика ва астрономия |
| B440400 | Кимё |
| B440500 | География |
| B460100 | Математика |
| B480100 | Амалий математика ва информатика |



## Магистратура мутахассисликлари:

M14.01.01. Математика
M14.07.01. Тарих
M44.01.04. Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси

## Кафедралар:

- Амалий математика
- Эҳтимоллар назарияси ва математик таҳлил.
- Алгебра ва математика ўқитиш методикаси.
- Умумий физика.
- Экспериментал физика.
- Умумтехника фанлари ва касб таълими
- Умумий кимё.
- Умумий биология.
- Физиология.
- Тиббий билим асослари.
- Тасвирий санъат.
- Мусиқа ва эстетик таълим.
- Инглиз тили.
- Немис ва француз тиллари.
- Таржима назарияси ва амалиёти.
- Рус тили ва адабиёти.
- Факультетлараро хорижий тиллар.
- Бошланғич таълим педагогикаси ва психологияси.
- Умумий педагогика ва психология.
- Жисмоний маданият назарияси.
- Факультетлараро жисмоний маданият.
- География.
- Миллий иқтисодиёт ва бозор муносабатлари.
- Ўзбек тилшунослиги.
- Ўзбек адабиёти.
- Ўзбекистон тарихи.
- Умумий тарих.
    - Ҳуқуқшунослик.
    - Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти.
    - Фалсафа ва маънавият асослари.

## Аспирантура:

- Дифференциал тенгламалар 01.01.02.
- Ярим ўтказгичлар ва диэлектрик физикаси 01.04.10.
- Биорганик кимё 02.00.10.
- Усимликшунослик 06.01.09.
- Ватан тарихи 07.00.02.
- Микроиқтисодиёт 08.00.04.
- Фалсафа фанлари 09.00.01.
- Эстетика 09.00.04.
- Европа халқлари адабиёти тарихи 10.01.05.
- Миллий тиллар 10.02.02.
- Педагогика назарияси ва тарихи 13.00.01.
- Сиёсатшунослик 23.00.02.

## Университет ҳомийлигидаги лицей ва мактаблар

- НамДУ қошидаги академик лицей.
- Наманган шаҳар 31-гимназия мактаби.
- Наманган шаҳридаги физика-математика лицей интернати.
- НамДУ қошидаги бизнес мактаби.
- НамДУ қошидаги тил ўргатиш маркази.





## Ўқув ва илмий-тадқиқот марказлари ҳамда лабораториялари:

- Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази.
- Университет илмий кутубхонаси (500 мингдан зиёд китоб жамғармасига эга).
- Факультетлардаги илмий кутубхоналар.
- Миср маданияти маркази.
- Социологик тадқиқотлар маркази.
- Опто-электроника ва материалшунослик лабораторияси.
- Физиологик фаол моддалар кимёси лабораторияси.
- Целлюлоза тадқиқот лабораторияси.
- Нормал физиология лабораторияси.
- "Омилкор" илмий ишлаб чиқариш хўжалиги.
- Ботаника боғи Чортоқдаги ўқув тажриба майдони.
- "Мамай" соғломлаштириш маркази.
- Ахборот таъминоти ва тест маркази.

Шунингдек, 1996 йил март ойидан "Маркетинг хизмати" бўлими фаолият кўрсата бошлади.

## Университет адреси:

Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.
Телефонлар: 6-55-01, 6-56-40,
Факс: (8-36922) 6-61-07

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

# Наманган Давлат университети
(проспект)

Тузувчилар: Н. Раҳимов,
А. Фахриддинов

Муҳаррир: А. Жаббор
Мусаввир: А. Дадабоев
Техмуҳаррир: И. Жумабоев
Мусаҳҳиҳ: Д. Эргашева

2000 йил 8.11.да теришга берилди 2000 йил 22. 12.да
босишга рухсат этилди. Бичими 60х84 1/16. Ҳажми 0.75 б/т.
Оқ қоғоз. Адади 100 нусха. 25/12 - буюртма.
Баҳоси келишилган нархда.
"Наманган" нашриёти. Наманган шаҳри, Навоий кўчаси.
Матбуот уйи, 3-қават.

"Фахризода" кичик корхонасида тайёрланди ва чоп этилди.
Дўстлик шоҳ кўчаси. 23 уй. Тел.: 4-23-56, 4-45-91.

NAMANGAN